ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

**2017 ЙИЛ**
**ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

**Термиз – 2017**

# СЎЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудй маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯҲМ | – | ялпи ички маҳсулот | л. | – | литр |
| %. | – | фоиз | 0,0 | – | катта бўлмаган миқдор |
| млрд. | – | миллиард | м. | – | марта |
| млн. | – | миллион | – | – | кўрсаткичнинг йўқлиги |
| млн.АҚШ долл. | – | миллион АҚШ доллари | га. | – | гектар |
| кв. | – | квадрат | тн. | – | тонна |
| км. | – | километр | [1], [2], [3]...... | – | изоҳнинг мавжудлиги |
| м. | – | метр | | | |

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

| | Млрд. сўм | 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Ялпи ҳудудий маҳсулот** | **7646,6** | **103,0** |
| Саноат маҳсулоти | 1493,4 | 88,4 |
| Истеъмол товарлари | 718,8 | 92,2 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 4297,1 | 106,0 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 2124,6 | 132,3 |
| Қурилиш ишлари | 1332,8 | 103,4 |
| Юк айланмаси млн. тн-км. | 1850,4 | 102,5 |
| Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км. | 4879,1 | 105,8 |
| Чакана товар айланмаси | 5088,9 | 102,7 |
| Хизматлар, жами | 3093,4 | 103,3 |
| Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл. | 256,7 | 133,8 |
| Экспорт | 105,7 | 104,3 |
| Импорт | 151,0 | 166,9 |
| Сальдо (+;-) | -45,3 | X |

## Ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 7646,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 116,5 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | | 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил | 2017 йил | |
| **I. Ялпи худудий махсулот, жами** | **6367,3** | **7646,6** | **103,0** |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 6157,8 | 7386,2 | 103,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 209,5 | 260,4 | 100,0 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **6157,8** | **7386,2** | **103,1** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1885,4 | 2516,6 | 106,0 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 1137,6 | 1165,7 | 94,6 |
| саноат | 604,4 | 568,9 | 86,9 |
| қурилиш | 533,2 | 596,7 | 103,4 |
| **Хизматлар** | **3134,7** | **3703,9** | **104,6** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 651,5 | 790,2 | 104,8 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 784,3 | 894,5 | 105,5 |
| бошқа хизматлари | 1698,8 | 2019,1 | 104,1 |

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.




2017 й.




2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири хизматлар (104,6%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 70,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрига нисбатан 0,5 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 50,1 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 50,9 фоиз)ни ташкил қилди.

## Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 14799 тани ташкил қилиб, шундан 14005 таси ёки 94,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3661 та (24,7 фоизи), саноат 1789 та (12,1 фоизи), қурилиш 1578 та (10,7 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1041 та (7,0 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1028 та (6,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| **Жами** | **14799** | **100,0** | **14005** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1028 | 6,9 | 907 | 6,5 |
| саноат | 1789 | 12,1 | 1713 | 12,2 |
| қурилиш | 1578 | 10,7 | 1517 | 10,8 |
| савдо | 3661 | 24,7 | 3437 | 24,5 |
| ташиш ва сақлаш | 693 | 4,7 | 664 | 4,7 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1041 | 7,0 | 1003 | 7,2 |
| ахборот ва алоқа | 257 | 1,7 | 237 | 1,7 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 218 | 1,5 | 213 | 1,5 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4534 | 30,7 | 4314 | 30,9 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 82,8 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 38,5 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 43,7 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар - юридик ташкилий - ҳуқуқий шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 октябрь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-сентябрда жами 1725 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 1660 та). Уларнинг асосий қисми Термиз шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 22,0 фоизи), Денов (10,8 фоиз), Шўрчи (9,4 фоиз), Жарқўрғон (8,9 фоиз), Термиз (6,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 22,6 фоизи савдо, 18,3 фоизи саноат ва 12,9 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 905 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 100 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 11,0 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

<u>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</u>



# Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11528 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 70,6 фоизи (2016 йил январь-сентябрда 69,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 814,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 81,4 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 460,2 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 176,2 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 788,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 52,8 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 95,2 фоизни ташкил қилди;

- 4253,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил қилди.

- 855,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 1,5 фоизга камайди;

- 1116,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг
83,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 1,9 фоизга камайди;

- автомобил транспорти юк айланмаси 3,8 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмаси 94,9 фоизи), йўловчи айланмаси эса 6,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,4 фоизи) кўпайди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,8 фоизи ёки 4 трлн. 720,6 млрд. сўмни (ўсиш 102,0 фоиз), хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 75,3 фоизи ёки 2329,9 млрд. сўми (ўсиш 99,5 фоиз) шакллантирилди;

- 80,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 76,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 121,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 80,2 бараварга) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

| | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий тадбиркорлик улуши, % ҳисобида |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 4253,9 | 100,0 |
| Саноат | 788,9 | 95,2 |
| Қурилиш | 1116,5 | 83,8 |
| Чакана савдо | 4720,6 | 91,1 |
| Юк ташиш, млн. тн. | 50,1 | 81,9 |
| Йўловчи ташиш, млн. киши | 400,3 | 96,4 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 80,4 | 75,5 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 121,1 | 75,9 |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Ташқи иқтисодий алоқалар

2017 йилнинг январь-сентябрида ташқи савдо айланмаси 184,2 млн. АҚШ долларини, жумладан 69,4 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 114,8 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -45,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(минг АҚШ доллари)

| | январь – сентябрь | | 2016 йил январь - июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | |
| **Ташқи савдо айланмаси** | 181859,7 | 256721,9 | 133,8 |
| шу жумладан: | | | |
| МДҲ давлатлари | 48863,6 | 81545,7 | 166,9 |
| бошқа давлатлар | 142996,1 | 175176,2 | 122,5 |
| **Экспорт** | 101367,4 | 105706,4 | 104,3 |
| шу жумладан: | | | |
| МДҲ давлатлари | 20966,6 | 46967,1 | 2,2 м |
| бошқа давлатлар | 80400,8 | 58739,3 | 73,1 |
| **Импорт** | 90492,3 | 151015,5 | 166,9 |
| шу жумладан: | | | |
| МДҲ давлатлари | 27897,0 | 34578,6 | 124,0 |
| бошқа давлатлар | 62595,3 | 116436,9 | 186,0 |

2017 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-сентябрида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | Ҳажмидаги ўзгариш, 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил январь-сентябрь | 2017 йил январь-сентябрь | |
| **Экспорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **104,3** |
| пахта толаси | 15,0 | 1,8 | 12,3 |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 55,8 | 83,5 | 156,2 |
| энергия манбалари маҳсулотлари | 0,2 | 3,3 | 20,1 м |
| машина ва ускуналар | 2,0 | - | - |
| Хизматлар | 19,9 | 1,7 | 8,8 |
| Бошқалар | 7,1 | 9,7 | 143,4 |
| **Импорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **166,9** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 3,8 | 10,7 | 4,7 м |

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | | Ҳажмидаги ўзгариш, 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил январь-сентябрь | 2017 йил январь-сентябрь | |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 11,3 | 10,7 | 158,2 |
| энергия манбалари маҳсулотлари | 1,6 | 0,5 | 56,4 |
| қора ва рангли металлар | 40,3 | 14,2 | 58,9 |
| машина ва ускуналар | 37,4 | 55,3 | 2,5 м |
| Бошқалар | 5,6 | 8,6 | 2,6 м |

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йилнинг январь-сентябрида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

| Германия | Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида | 2016 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Хитой | 24,6 | 154,3 |
| Афғонистон | 14,3 | |
| Қозоғистон | 14,0 | 2.1 м |
| Россия | 13,2 | 131,3 |
| Литва | 9,2 | 5,7 м |
| Туркия | 4,4 | 2.1 м |
| Покистон | 1,8 | 2.7 м |
| Украина | 1,8 | 188,7 |
| Ж.Корея | 1,6 | 18,0 |
| Германия | 1,5 | 3,8 м |
| Эрон | 1,4 | 68,3 |
| Буюк Британия | 1,4 | 13,5 м |
| Полша | 1,1 | 2,5 м |
| БАА | 1,1 | 97,9 |
| Хиндистон | 1,1 | 120,1 |
| Туркманистон | 1,0 | 7,0 м |
| Беларусь | 0,9 | 15,3 м |
| Ироқ | 0,6 | 165,9 |
| Тожикистон | 0,5 | 38,6 м |
| Гонконг | 0,4 | 2,6 м |
| Чехия | 0,4 | 33,0 м |
| Италия | 0,4 | |
| Австрия | 0,3 | |
| Бельгия | 0,3 | |
| АКШ | 0,3 | 8,0 м |
| Франция | 0,3 | 8,5 м |
| Азарбайжон | 0,2 | 4,8 м |
| Малайзия | 0,2 | 113,1 |
| Вьетнам | 0,2 | 95,9 |
| Бошқа давлатлар | 1.1 | 5.1 |

2017 йил январь-сентябрда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

**Экспорт**

МДҲ




Бошқа хориж давлатлари




**Импорт**

МДҲ




Бошқа хориж давлатлари




- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

# Саноат

2017 йил январь-сентябрда саноат маҳсулоти ҳажми 1493,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 88,4 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 718,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-сентябрига нисбатан 92,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 414,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат, 26,6 млрд. сўмлик арoқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 277,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-сентябрига нисбатан мос равишда (85,8 фоиз, 112,4 фоиз ва 101,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида 0,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **1493,4** | **88,4** |
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **183,7** | **103,6** |
| улардан: | | |
| Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш | 46,0 | 91,9 |
| бошқалар | 137,7 | 107,9 |
| **Қайта ишлаш саноати** | **1192,2** | **84,4** |
| ундан: | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш | 567,0 | 96,8 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 281,0 | 57,4 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебеллардан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 4,9 | 128,6 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 4,2 | 113,7 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 165,8 | 101,4 |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 9,1 | 117,7 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 0,1 | 122,4 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 29,8 | 115,9 |
| Металлургия саноати | 15,1 | 110,0 |
| Мебель ишлаб чиқариш | 33,2 | 113,4 |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 81,9 | 90,7 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 104,6 | 112,2 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 12,8 | 190,2 |
| **Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш** | **718,8** | **92,2** |
| шу жумладан: | | |
| озиқ-овқат товарлари | 414,2 | 85,8 |
| ноозиқ-овқат товарлари | 277,9 | 101,1 |
| вино-арок ва пиво ичимликлари | 26,6 | 112,4 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-сентябрь | 2016 й. январь-сентябрига нисбатан % |
|---|---|---|---|
| **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | | | |
| Тош кўмир | минг тн. | 83,8 | 72,8 |
| Чақиқ тош (шебень) | минг тн. | 23,0 | 75,2 |
| Шағал | мин тн. | 25,1 | 117,3 |
| Қум | мин тн. | 26,3 | 118,7 |
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | | | |
| Ароқ | минг л 100% спирт | 1537,3 | 112,5 |
| Узум виноси | минг л | 0,5 | 101,6 |
| Пахта мойи | минг тн. | 10,7 | 77,4 |
| Буғдой уни | минг тн. | 80,1 | 109,1 |
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханкада) | минг тн. | 3,3 | 105,2 |
| Нефт хом-ашёси | минг тн. | 64,4 | 98,6 |
| Пахта толаси | минг тн. | 27,5 | 22,1 |
| Пахта чигити | минг тн. | 21,5 | 23,3 |
| Қуйиш учун тайёр бетон | минг тн. | 42,5 | 396,5 |

# Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 4297,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 4228,2 млрд. сўмни, овчиликда 0,1 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 52,2 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 6,8 млрд. сўмни (101,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 9,7 млрд. сўмни (124,3 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




**Ҳосил йиғими**. 2017 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 261689 тонна картошка (109,9 фоиз), 821994 тонна сабзавот (105,9 фоиз), 176082 тонна полиз (106,4 фоиз), 113237 тонна мева (105,2 фоиз) ва 98206 тонна узум (104,4 фоиз) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2017 йил 1 июль ҳолатига 2016 йилнинг шу дарига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,2 фоизга (жами 834,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,8 фоизга (335,6 минг бош), қўй ва эчкилар 101,9 фоизга (2098,5 минг бош), паррандалар 108,6 фоизга (3518,9 минг бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 73,5 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| **Йирик шохли қорамол** | **834,4** | **104,2** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 48,3 | 98,0 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 776,5 | 104,6 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 9,3 | 98,9 |
| **улардан сигирлар** | **335,6** | **100,8** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 16,9 | 97,1 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 316,8 | 101,0 |
| Қишлоқ  хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,9 | 105,6 |
| **Қўй ва эчкилар** | **2098,5** | **101,9** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 287,4 | 100,1 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1770,0 | 104,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 41,1 | 53,0 |
| **Отлар (бош)** | **14343** | **96,3** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 2534 | 103,3 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 11472 | 95,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга | 337 | 91,1 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| оширувчи ташкилотлар | | |
| **Паррандалар** | **3518,9** | **108,6** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 270,1 | 124,1 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 2327,1 | 104,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 921,7 | 115,2 |

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,8 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,4 ва 5,0 фоизни, қўй ва эчкилар 84,3 ва 13,7 фоизни, отлар 80,0 ва 17,7 фоизни, паррандалар 66,1 ва 7,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 117,7 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,7 фоизга кўп), 519,6 минг тонна сут (6,2 фоизга кўп), 217,2 млн. дона тухум (8,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| **Гўшт (тирик вазнда), минг тн.** | **117,7** | **106,7** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 4,0 | 102,5 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 112,8 | 107,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,9 | 88,5 |
| **Сут, минг тн.** | **519,6** | **106,2** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 9,1 | 106,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 508,8 | 106,2 |

| | микдори | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,7 | 100,3 |
| **Тухум, млн. дона** | **217,2** | **108,1** |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 8,3 | 110,4 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 151,3 | 107,9 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 57,6 | 108,4 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида




**Фермер хўжаликлари**. 2017 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 880,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,9 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 20,5 фоизни ташкил этди. 2017 йил 1

октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 48,3 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 16,9 минг бош сигир, 287,4 минг бош қўй ва эчкилар, 2534 бош от, 270,1 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

| | январь - сентябрь | | | | 2016 январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 йил | | 2017 йил | | |
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | |
| Картошка | 3346 | 1,4 | 3423 | 1,3 | 102,3 |
| Сабзавот | 47276 | 6,1 | 48921 | 6,0 | 103,5 |
| Полиз | 15291 | 9,2 | 15495 | 8,8 | 101,3 |
| Мева | 31475 | 29,2 | 32776 | 28,9 | 104,1 |
| Узум | 47380 | 50,4 | 48285 | 49,2 | 101,9 |
| Гўшт, тирик вазнда | 3915 | 3,5 | 4011 | 3,4 | 102,5 |
| Сут | 8557 | 1,7 | 9085 | 1,7 | 106,2 |
| Тухум, минг дона | 7570 | 3,8 | 8360 | 3,8 | 110,4 |

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2 трлн. 124,6 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва 2016 йил январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 132,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | якунга нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга киритилган инвестициялар** | **2124,3** | **132,3** | **100,0** |
| шу жумладан | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **639,8** | **154,5** | **30,1** |
| бюджет маблағлари | 158,5 | 146,6 | 7,4 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 136,1 | 96,5 | 6,4 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 150,0 | - | 7,1 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 195,2 | 152,1 | 9,2 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **1484,8** | **124,4** | **69,9** |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 521,6 | 216,7 | 24,5 |
| аҳоли маблағлари | 556,0 | 81,4 | 26,2 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 125,4 | 367,7 | 5,9 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 281,8 | 116,6 | 13,3 |

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | жами | давлат | нодавлат |
|---|---|---|---|
| **Жами, млрд. сўм** | **2124,6** | **386,8** | **1737,8** |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 62,7 | 15,2 | 47,5 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 33,8 | 2,4 | 31,4 |
| бошқа харажатлар | 3,5 | 0,5 | 3,0 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 17,2 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб

чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 16,9 фоизли пунктга ва бошқа харажатларнинг улуши 0,3 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-июнь 2016 й.    Январь-июнь 2017 й.




## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрда умумий майдони 888,5 минг кв.м. бўлган 6505 та (2016 йил январь-сентябрга нисбатан 91,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 658,0 минг кв.м. (84,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 641,5 млрд. сўми ёки 70,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 59,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 165,7 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 153,9 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 32,6 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-сентябрда 1332,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,7 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 16,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 7,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 85,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1254,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,1 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 102,7 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 61,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1850,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди ва 102,5 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-сентябрь | 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн | 61,2 | 104,0 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 61,2 | 104,0 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 1850,4 | 102,5 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 1850,4 | 102,5 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 2,5 фоизга кўпайди ва 1850,4 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 83,5 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда 84,3 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 415,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 4,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 5,8 фоизга бажарилиб, 4879,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-сентябрь | 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 415,4 | 104,0 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 415,4 | 104,0 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км | 4879,1 | 105,8 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 4879,1 | 105,8 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-сентябрига нисбатан 3,8 фоизга кўпайди ва 4049,3 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 83,0 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда 84,6 фоиз).

# Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 5 трлн.88 млрд. 952,3 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **5089,0** | **102,7** | **100,0** |
| шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича: | | | |
| давлат мулки | 1,6 | 91,2 | 0,1 |
| нодавлат мулки | 5087,4 | 102,7 | 99,9 |

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрда 368,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йил январь-сентябрь ойларида 4182,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга ошган.

2017 йил январь - июнда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь - сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида | Якунга нисбатан, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Чакана товар айланмаси** | **5089,0** | **102,7** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | |
| савдо корхоналари | 368,3 | 112,8 | 7,2 |
| Якка тартибдаги тадбиркорлик | 4182,5 | 102,4 | 82,2 |
| уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти) | 538,2 | 99,4 | 10,6 |

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 101,1 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 7,0 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 0,6 фоизга ошди ва 2050,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь ойиларида 1757,7 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 3093,4 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 990,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 32,0 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 103,3 фоизга етди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-сентябрида қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Жами хизматлар** | **3093,4** | **103,3** | **100,0** |
| Шу жумладан хизмат турлари бўйича: | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 208,5 | 111,2 | 6,7 |
| молиявий хизматлар | 288,4 | 124,6 | 9,3 |
| транспорт хизмати | 647,2 | 100,4 | 20,9 |
| шу жумладан автотранспорт хизматлари | 629,6 | 100,0 | 20,4 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 107,4 | 107,2 | 3,5 |
| савдо хизматлари | 1214,7 | 99,2 | 39,3 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 100,0 | 100,4 | 3,2 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 81,7 | 110,4 | 2,6 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 34,0 | 108,9 | 1,1 |
| ижара ва прокат хизматлари | 80,3 | 100,3 | 2,6 |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 112,5 | 100,9 | 3,6 |
| бошқа шахсий хизматлар | 115,2 | 100,8 | 3,7 |
| меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 19,6 | 117,4 | 0,6 |
| бошқа турдаги хизматлар | 83,9 | 104,9 | 2,9 |

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 39,3 фоизи), транспорт (20,9 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (124,6 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларнинг (117,4 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (111,2 фоиз), таълим соҳасидаги хизматлар (110,4 фоиз), ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (108,9 фоиз), ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йилнинг январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 октябр ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2500,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 38,2 минг кишига ёки 1,1 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь - июнда қуйидагича ифодаланади:

| | Киши | | | Ҳар 1000 кишига | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й.1) | ўсиш, камайиш (-) | 2016 й. | 2017 й.1) |
| Туғилганлар | 46 531 | 47 568 | 1 037 | 25,6 | 25,6 |
| Ўлганлар | 7 243 | 8 177 | 934 | 4,0 | 4,4 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан | 394 | 439 | 45 | 8,5 | 9,2 |
| Табиий ўсиш | 39 288 | 39 391 | 103 | 21,6 | 21,2 |
| Никоҳлар | 13 843 | 17 348 | 3 505 | 7,6 | 9,3 |
| Ажралишлар | 1 050 | 1 306 | 256 | 0,6 | 0,7 |

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 47568 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 1037 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 25,6 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (25,6 промилле) да қолди.

Ўлганлар умумий сонидан 60,4 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 6,1 фоизи - ўсма касалликларидан, 7,0 фоизи-нафас олиш органлари касалликларидан, 6,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида бир ёшга тўлмаган 439 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 8,5 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-сентябрида 9,2 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 19,6 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 16,3 фоизи туғма аномалиялардан касалланганлиги сабабли вафот этган.

---

1) дастлабки маълумот

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябрида ФҲДЁ органларида 17348 та никоҳлар ва 1306 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,3 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 7,6 та) ва 0,7 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида - 0,6 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 10909 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 12087 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1178 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1038 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Термиз шаҳрида (минус 640), Жарқўрғон (минус 504), Денов (минус 504), Бойсун (минус 228), Шеробод (минус 174) ва Узун (минус 196) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь - июнда қуйидагича ифодаланади:

<u>ҳар 1000 кишига</u>




**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрь ойларида 1422,2 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,9 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда Бандлик бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 10030 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Денов (1220 кишига), Сариосиё (800 кишига),Жарқўрғон (888 кишига) ва Узун (747 кишига) туманларида кўп.

Бандлик бўлимларига мурожаат қилган фуқаролардан 9053 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса, ушбу кўрсаткич Денов (1105 киши), Жарқўрғон (847 киши), Сариосиё (755 киши) ва Узун (696 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Бандлик бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



## Корхона ва ташкилотлар сони
### (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

**(бирлик)**

| | 2017 йилнинг 1 октябрига рўйхатга олинган | 2017 йилнинг январь - сентябрида | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил топди | тугатилди |
| **Вилоят бўйича:** | **14799** | **1725** | **905** |
| шаҳарлар: | | | |
| Термиз | 2999 | 380 | 20 |
| туманлар: | | | |
| Ангор | 680 | 85 | 33 |
| Бойсун | 697 | 68 | 24 |
| Денов | 1762 | 186 | 175 |
| Жарқўрғон | 1173 | 154 | 152 |
| Қумқўрғон | 995 | 105 | 52 |
| Қизириқ | 735 | 95 | 73 |
| Музработ | 579 | 59 | 52 |
| Олтинсой | 621 | 47 | 72 |
| Сариосиё | 853 | 92 | 58 |
| Термиз | 956 | 110 | 33 |
| Узун | 860 | 75 | 32 |
| Шеробод | 1005 | 106 | 54 |
| Шўрчи | 884 | 163 | 75 |

## Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

**(2017 йил 1 октябр ҳолатига)**

| | Жами, бирлик | Умумий сонга нисбатан, фоиз ҳисобида | | |
|---|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат | шундан хусусий |
| **Вилоят бўйича:** | **14799** | **17,2** | **82,8** | **38,5** |
| шаҳарлар: | | | | |
| Термиз | 2999 | 9,6 | 90,4 | 37,0 |
| туманлар: | | | | |
| Ангор | 680 | 18,7 | 81,3 | 37,5 |
| Бойсун | 697 | 20,2 | 79,8 | 33,1 |
| Денов | 1762 | 16,7 | 83,3 | 40,8 |
| Жаркўрғон | 1173 | 16,6 | 83,4 | 39,5 |
| Қумкўрғон | 995 | 19,0 | 81,0 | 42,8 |
| Қизирик | 735 | 24,8 | 75,2 | 30,1 |
| Музработ | 579 | 23,1 | 76,9 | 38,9 |
| Олтинсой | 621 | 26,4 | 73,6 | 37,4 |
| Сариосиё | 853 | 21,8 | 78,2 | 39,0 |
| Термиз | 956 | 12,6 | 87,4 | 36,6 |
| Узун | 860 | 19,5 | 80,5 | 51,5 |
| Шеробод | 1005 | 17,9 | 82,1 | 43,0 |
| Шўрчи | 884 | 20,7 | 79,3 | 29,9 |

## Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

| | 2017 йилнинг 1 октябрига рўйхатга олинган | 2017 йилнинг январь - сентябрида | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил топди | тугатилди |
| **Вилоят бўйича:** | **11255** | **1660** | **623** |
| шаҳарлар: | | | |
| Термиз | 2490 | 367 | 13 |
| туманлар: | | | |
| Ангор | 506 | 81 | 20 |
| Бойсун | 518 | 66 | 8 |
| Денов | 1372 | 177 | 137 |
| Жарқўрғон | 901 | 145 | 138 |
| Қумқўрғон | 730 | 101 | 30 |
| Қизирик | 494 | 93 | 47 |
| Музработ | 402 | 56 | 36 |
| Олтинсой | 407 | 45 | 38 |
| Сариосиё | 595 | 90 | 35 |
| Термиз | 804 | 105 | 19 |
| Узун | 623 | 72 | 11 |
| Шеробод | 771 | 103 | 34 |
| Шўрчи | 642 | 159 | 57 |

# 2017 йилнинг январь - сентябрида иқтисодиёт тармоқлари бўйича корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари

| | Фойда, зарар (+,-) | |
|---|---|---|
| | млн. сўм | 2016 йилнинг январь - сентябрига нисбатан фоизда |
| Жами | **87586,7** | **75,4** |
| шу жумладан: | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 147,5 | 153,6 |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларга ишлаш | 1526,9 | 11,1 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 49047,4 | 85,8 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 6011,3 | 54,4 |
| Сув билан таъминлаш: Канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 14,1 | 39,9 |
| Қурилиш | 3610,2 | 165,6 |
| Улгуржи ва чакана савдо: моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 26126,3 | 131,1 |
| Ташиш ва сақлаш | 3416,0 | 27,2 |
| Ахборот ва алоқа | 222,2 | 119,1 |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 1702,7 | 95,7 |
| Бошқалар | -4237,9 | - |

## 2017 йилнинг январь - сентябрида корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари

| | Фойда, зарар (+,-), млн. сўм | 2016 йилнинг январь - сентябрига нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **87586,7** | **75,4** |
| шаҳарлар: | | |
| Термиз | 29656,3 | 74,6 |
| туманлар: | | |
| Ангор | 1681,2 | 112,4 |
| Бойсун | 45,9 | 159,0 |
| Денов | 14678,1 | 105,3 |
| Жарқўрғон | 35069,4 | 64,6 |
| Қумқўрғон | 1334,7 | 119,6 |
| Қизирик | 1053,0 | 5. м |
| Музработ | 155,3 | 111,6 |
| Олтинсой | 118,5 | 108,3 |
| Сариосиё | 1039,9 | 44,5 |
| Термиз | 906,4 | 192,7 |
| Узун | 79,7 | 28,3 |
| Шеробод | 355,0 | 59,9 |
| Шўрчи | 1413,3 | 100,3 |

## Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони

**(2017 йил 1 октябр ҳолатига, бирликда)**

| | Жами рўйхатга олинганлари | жумладан, фаолият кўрсатаётганлари | Фаолият кўрсатаётганларни жамига нисбатан, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **62** | **60** | **96,8** |
| шаҳарлар: | | | |
| Термиз | 26 | 25 | 96,2 |
| туманлар: | | | |
| Ангор | 1 | 1 | 100,0 |
| Бойсун | - | - | - |
| Денов | 2 | 1 | 50,0 |
| Жарқўрғон | 9 | 9 | 100,0 |
| Қумқўрғон | 3 | 3 | 100,0 |
| Қизириқ | - | - | - |
| Музработ | 1 | 1 | 100,0 |
| Олтинсой | 2 | 2 | 100,0 |
| Сариосиё | 5 | 5 | 100,0 |
| Термиз | 5 | 5 | 100,0 |
| Узун | 1 | 1 | 100,0 |
| Шеробод | 4 | 4 | 100,0 |
| Шўрчи | 3 | 3 | 100,0 |

## Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони

(бирлик)

| | Рўйхатга олинганлар | 2017 йилнинг январь - сентябрида | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил этилган[1)] | тугатилган |
| **Вилоят бўйича:** | **62** | **8** | **6** |
| шаҳарлар: | | | |
| Термиз | 26 | - | 1 |
| туманлар: | | | |
| Ангор | 1 | - | 1 |
| Бойсун | - | - | - |
| Денов | 2 | - | - |
| Жарқўрғон | 9 | 1 | 2 |
| Қумқўрғон | 3 | - | - |
| Қизирик | - | - | - |
| Музработ | 1 | - | - |
| Олтинсой | 2 | 1 | 1 |
| Сариосиё | 5 | 1 | - |
| Термиз | 5 | 1 | 1 |
| Узун | 1 | 1 | - |
| Шеробод | 4 | 1 | - |
| Шўрчи | 3 | 2 | - |

[1)] қайта ташкил этилганлар билан

## Меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги [1)]

(2017 йил 1 октябр ҳолатига, минг киши)

| | Меҳнат ресурслари сони | Ўртача банд аҳоли сони |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **1422,2** | **1000,7** |
| шаҳарлар: | | |
| Термиз | 95,8 | 79,7 |
| туманлар: | | |
| Ангор | 72,7 | 48,7 |
| Бойсун | 68,3 | 48,1 |
| Денов | 208,5 | 143,3 |
| Жарқўрғон | 111,4 | 75,6 |
| Қумқўрғон | 115,3 | 76,2 |
| Қизириқ | 93,6 | 68,8 |
| Музработ | 78,3 | 51,9 |
| Олтинсой | 91,2 | 66,3 |
| Сариосиё | 110,3 | 73,5 |
| Термиз | 61,5 | 44,5 |
| Узун | 97,6 | 65,5 |
| Шеробод | 105,5 | 77,0 |
| Шўрчи | 112,5 | 81,8 |

[1)] дастлабки маълумот

## Доимий аҳоли сони [1)]
## (2017 йил 1 октябр ҳолатига, минг киши)

| | Жами аҳоли | шу жумладан: | |
|---|---|---|---|
| | | шаҳар аҳолиси | қишлоқ аҳолиси |
| **Вилоят бўйича:** | 2500,5 | 889,1 | 1611,4 |
| шаҳарлар: | | | |
| Термиз | 143,2 | 143,2 | |
| туманлар: | | | |
| Ангор | 126,2 | 62,0 | 64,2 |
| Бойсун | 114,7 | 48,6 | 66,1 |
| Денов | 374,8 | 136,9 | 237,9 |
| Жарқўрғон | 207,4 | 43,1 | 164,3 |
| Қумқўрғон | 221,1 | 74,3 | 146,8 |
| Қизирик | 163,4 | 30,3 | 133,1 |
| Музработ | 134,8 | 50,2 | 84,7 |
| Олтинсой | 167,4 | 66,4 | 100,9 |
| Сариосиё | 195,4 | 39,8 | 155,6 |
| Термиз | 103,2 | 28,5 | 74,7 |
| Узун | 168,6 | 39,5 | 129,2 |
| Шеробод | 183,9 | 55,7 | 128,2 |
| Шўрчи | 196,4 | 70,6 | 125,7 |

## Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
## (январь - сентябрь ойларида)

(1000 аҳоли сонига)

| | Туғилганлар | | Ўлганлар | | Аҳолининг табиий ўсиши | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] | 2016й. | 2017й.[1)] |
| **Вилоят бўйича:** | **25,6** | **25,6** | **4,0** | **4,4** | **21,6** | **21,2** |
| шаҳар: | | | | | | |
| Термиз | 22,5 | 21,1 | 5,0 | 4,7 | 17,5 | 16,4 |
| туманлар: | | | | | | |
| Ангор | 25,7 | 25,4 | 4,1 | 5,1 | 21,6 | 20,3 |
| Бойсун | 25,0 | 26,3 | 4,1 | 4,4 | 20,9 | 21,9 |
| Денов | 25,9 | 26,2 | 3,8 | 4,3 | 22,1 | 21,9 |
| Жарқўрғон | 27,0 | 26,3 | 4,1 | 4,9 | 22,9 | 21,4 |
| Қумқўрғон | 24,2 | 25,1 | 3,8 | 4,4 | 20,4 | 20,7 |
| Қизириқ | 27,5 | 28,2 | 3,2 | 4,0 | 24,3 | 24,2 |
| Музработ | 26,3 | 25,9 | 4,1 | 4,3 | 22,2 | 21,6 |
| Олтинсой | 26,2 | 26,3 | 3,3 | 3,9 | 22,9 | 22,4 |
| Сариосиё | 24,7 | 24,6 | 3,7 | 3,8 | 21,0 | 20,8 |
| Термиз | 25,3 | 25,2 | 5,0 | 5,3 | 20,3 | 19,9 |
| Узун | 25,8 | 26,5 | 4,0 | 4,5 | 21,8 | 22,0 |
| Шеробод | 23,8 | 24,9 | 3,8 | 4,2 | 20,0 | 20,7 |
| Шўрчи | 27,4 | 25,9 | 4,5 | 4,6 | 22,9 | 21,3 |

[1)] дастлабки маълумот

## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
## (январь - сентябрь ойларида)

**(бирлик)**

| | **Тузилган никоҳлар** | | **Никоҳдан ажралишлар** | |
|---|---|---|---|---|
| | **2016й.** | **2017й.**[1)] | **2016й.** | **2017й.**[1)] |
| **Вилоят бўйича:** | **13 843** | **17 348** | **1 050** | **1 306** |
| шаҳар: | | | | |
| Термиз | 777 | 942 | 137 | 140 |
| туманлар: | | | | |
| Ангор | 698 | 976 | 47 | 56 |
| Бойсун | 565 | 698 | 32 | 61 |
| Денов | 2 177 | 2 683 | 183 | 233 |
| Жарқўрғон | 1 176 | 1 627 | 66 | 96 |
| Қумқўрғон | 1 270 | 1 630 | 98 | 92 |
| Қизирик | 952 | 1 305 | 47 | 61 |
| Музработ | 662 | 771 | 51 | 58 |
| Олтинсой | 838 | 1 179 | 39 | 60 |
| Сариосиё | 1 028 | 1 244 | 76 | 99 |
| Термиз | 678 | 637 | 64 | 77 |
| Узун | 1 020 | 1 101 | 75 | 79 |
| Шеробод | 948 | 1 192 | 61 | 92 |
| Шўрчи | 1 054 | 1 363 | 74 | 102 |

[1)] дастлабки маълумот

# Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этган ва рўйхатга олинганлар сони [1)]

(1 октябр ҳолатига, киши)

| | Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этганлар сони | | жумладан, расман ишсиз мақомини олганлар | | улардан, ишсизлик нафақаси ажратилганлар сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2016 й. | 2017 й. |
| **Вилоят бўйича:** | **9565** | **10030** | **261** | **427** | **28** | **34** |
| шаҳар: | | | | | | |
| Термиз | 656 | 724 | 12 | 14 | 5 | 0 |
| туманлар: | | | | | | |
| Ангор | 547 | 609 | 11 | 17 | 1 | 6 |
| Бойсун | 500 | 618 | 41 | 114 | 5 | 7 |
| Денов | 1382 | 1220 | 18 | 35 | 2 | 5 |
| Жарқўрғон | 776 | 888 | 4 | 13 | 0 | 1 |
| Қумқўрғон | 565 | 581 | 28 | 19 | 0 | 1 |
| Қизирик | 528 | 538 | 14 | 14 | 5 | 0 |
| Музработ | 544 | 643 | 26 | 30 | 3 | 8 |
| Олтинсой | 670 | 710 | 23 | 34 | 1 | 1 |
| Сариосиё | 869 | 800 | 9 | 37 | 0 | 1 |
| Термиз | 475 | 512 | 13 | 38 | 0 | 0 |
| Узун | 748 | 747 | 16 | 11 | 0 | 1 |
| Шеробод | 659 | 724 | 21 | 37 | 2 | 3 |
| Шўрчи | 646 | 716 | 25 | 14 | 4 | 0 |

[1)] вилоят бандлик бош бошқармаси маълумотига асосан

## Иш билан таъминланган аҳоли сони[1)]

(1 октябр ҳолатига, киши)

| | 2016 йил | 2017 йил |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **8798** | **9053** |
| шаҳар: | | |
| Термиз | 511 | 686 |
| туманлар: | | |
| Ангор | 509 | 538 |
| Бойсун | 425 | 436 |
| Денов | 1333 | 1105 |
| Жарқўрғон | 750 | 847 |
| Қумқўрғон | 537 | 539 |
| Қизириқ | 496 | 518 |
| Музработ | 494 | 539 |
| Олтинсой | 637 | 664 |
| Сариосиё | 739 | 755 |
| Термиз | 446 | 429 |
| Узун | 714 | 696 |
| Шеробод | 595 | 652 |
| Шўрчи | 612 | 649 |

[1)] вилоят бандлик бош бошқармаси маълумотига асосан

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ 2017 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ

*Нашрга масъул:*
*Статистика фаолиятини ташкил этиш*
*ва йиғма-ахборот ишлар бўлими*
*тел. 230-85-74 (80)*

**Буюртма рақами №___ .2017й.** **Тираж 4 нусха**

**Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси**
**Термиз ш., С.Саодат кўчаси 62а.**